



“ИПОТЕКА-БАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

“ТАСДИҚЛАНИГА Н”

**“Ипотека–банк” акциядорлик-тижорат
ипотека банки Бошқаруви**

(2022 йил “6” декабрдаги

451–сонли мажлис баёни)

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ

ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

Тошкент – 2022 й.

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ			
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ			
<i>Хужжат идентификация рақами: PR/22/08/65</i>	<i>Таҳрир №: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 06.12.2022 йил</i>	<i>Варақ №: 2</i>

Мундарижа

1. Қисқартма ва атамалар.....	4
2. Умумий қоидалар.....	5
3. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари.....	6
4. Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари.....	7
5. Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари.....	9
6. Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари.....	10
7. Хизмат фаолиятидаги ташқи күриниш ва кийиниш услугига оид одоб- ахлоқ қоидалари.....	10
8. Манфаатлар түқнашуви.....	11
9. Банк ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш.....	11
10. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.....	11
11. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаслик учун жавобгарлик.....	12
12. Якуний қоида.....	12

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ			
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ			
Хужжат идентификация рақами:	Taxrir №: 1.0	Кучга кириш санаси: ___. ___. 2022 йил	Varaq №: 3

ХУЖЖАТЛАРНИ ҚАЙТА КҮРИБ ЧИҚИШ ХРОНОЛОГИЯСИ

Хужжат номи:		“Ипотека-банк” АТИБ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари	
Бошқарув органи		Сана	
Тасдиқланган: “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви		___. ___. 2022 й.	
Тавсия этилган: Методологик гурӯҳ		___. ___. 2022 й.	
Ишлаб чиқилган:		Сана:	Имзо:
Ходимларни бошқариш департаменти		2022 й. ноябрь	
Келишилган:			
Юридик департамент		2022 й. ноябрь	
Комплаенс назорати департаменти		2022 й. ноябрь	
Таҳрир рақами	Ишлаб чиқилган санаси	Кучга кириш санаси	Киритилган ўзгартиришларнинг қисқача изоҳи
1.0	06.12.2022 й.	06.12.2022 й.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №595-сонли қарори асосида янги қабул қилинган.

ХУЖЖАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВАКОЛАТИНИНГ НАЗОРАТИ

Хужжатни назорат қилиш ва саклаш қуидаги жадвалда кўрсатилган рўйхат бўйича амалга оширилади:

№ хужжат	Хужжатдан фойдаланувчи (Лавозими)	Хужжат шакли
1	Банк аппарати	Асл нусха PDF, Асл нусха Word
2	Ходимларни бошқариш департаменти	Кўчирма нусха PDF Кўчирма нусха Word
3	Банк Бошқаруви, Банкнинг ички меъёрий хужжатлари электрон кутубхонаси	Кўчирма нусха PDF

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ			
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ			
<i>Хужжат идентификация рақами:</i>	<i>Таҳрир №: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: 06.12.2022 йил</i>	<i>Варақ №: 4</i>

1. Қисқартма ва атамалар

1	Банк	“Ипотека-банк” АТИБ, шу жумладан Бош офис, худудий бошқармалар, филиаллар ва Банк хизматлари марказлари
2	Банк ходимлари	“Ипотека-банк” АТИБ ходимлари, шу жумладан Бош офиси, худудий бошқармалари, филиаллари ва Банк хизматлари марказлари ходимлари
3	Банк раҳбарияти	Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари
4	Мансабдор шахс	Банкнинг мансабдор шахслари Банк Кузатув кенгаши, Бошқаруви, шунингдек, хизмат вазифалари уларга Банк фаолияти юзасидан қарорлар қабул қилиш ва/ёки Банк фаолиятига сезиларли таъсир қўрсатиш имконини берадиган ходимлар ҳисобланади
5	Мижоз	Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга ошириш тўғрисида Банкка топшириқнома (ариза, илтимоснома) билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс
6	Одоб-ахлоқ комиссияси / Комиссия	Банк ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни қўриб чиқувчи комиссия
7	“Ипотека-банк” АТИБ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари / Одоб-ахлоқ қоидалари	ходимларнинг касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг қоидалари

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ			
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ			
<i>Хужжат идентификация рақами:</i>	<i>Таҳрир №: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: ___. ___. 2022 йил</i>	<i>Варақ №: 5</i>

2. Умумий қоидалар

2.1. “Ипотека-банк” АТИБ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринда – Одоб-ахлоқ қоидалари) ходимларнинг касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услугбининг қоидаларини белгилайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари банкда юксак касбий маданиятни шакллантириш, мижозлар онгига банкка бўлган хурмат ва ишончни ошириш ҳамда банк ходимларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

2.2. Банк ходимлари ўз касбий фаолиятини қуидаги принциплар асосида амалга ошириши шарт:

- қонунийлик;
- Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;
- мижозлар хукуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларнинг устуворлиги;
- давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;
- адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;
- коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;
- банк сирини қатъий сақлаш;
- мансаб ваколатини суиистеъмол қиласлик;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

2.3. Банк ходимлари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда хулқ-атворнинг қуидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

- банк обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;
- масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;
- мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларга кўмаклашиш;
- хушмуомалалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан аҳолида банкка нисбатан ишонч ва хурмат ҳиссини уйғотиш;
- мижозларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омилларидан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;
- жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ			
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ			
<i>Хужжат идентификация рақами:</i>	<i>Таҳрир №: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: ___. ___. 2022 йил</i>	<i>Варақ №: 6</i>

2.4. Банк ходимлари ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қиласди.

2.5. Банк ходимлари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мажбуриятига, мижозлар эса банк ходимларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2.6. Банк ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашда асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Банк ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

3. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари

3.1. Банк ходимлари:

- мижозларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатларга йўл қўймаслиги;
- ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, мижозлар билан мулоқотда хушмуомила, вазмин ва самимий муносабат намойиш қилиши;
- банк манфаатига зарар етказувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;
- ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини қўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;
- мижозлар ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;
- ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совға олмаслиги;
- банк мулкининг бут сақланишини таъминлаш, ўзига ишониб топширилган банк мулкидан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши;
- ички тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;
- мижозларга хизмат кўрсатишда доимий равищда хизмат сифатини ошириб бориш чораларини қўриши;

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ			
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ			
<i>Хужжат идентификация рақами:</i>	<i>Таҳрир №: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: ___. ___. 2022 йил</i>	<i>Варақ №: 7</i>

- қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган хуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;
- банк Одоб-аҳлок кодекси ва ишбилармонлик этикасига риоя этиши керак.

4. Хизмат фаолиятига оид одоб-аҳлоқ қоидалари

4.1. Банк ходимлари иш фаолияти давомида қўйидагиларга мажбур:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;
- ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;
- хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўнилмаларни доимий асосда ошириш;
- юқори давлат органлари ва Банк Бош оғиси томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- ишлаб чиқилаётган ички меъёрий ҳужжатларга бирон-бир шахс, груп ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;
- ҳар қандай қонун бузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;
- хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;
- мижозлар, Банк ходимлари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа хуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;
- хизмат мажбуриятларини бажараётганда мижозлар ва ҳамкасларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, мижозлар хуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;
- ўз хизмат мажбуриятларини вижданан бажаришга тўқсинглик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;
- банк сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда фойдаланмаслик;
- ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;
- биритирилган хизмат компютери ҳамда электрон ташувчиларидағи

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ			
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ			
<i>Хужжат идентификация рақами:</i>	<i>Таҳрир №: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: ___. ___. 2022 йил</i>	<i>Варақ №: 8</i>

хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

- ижтимоий тармоқларда банк ва унинг таркибий бўлинмалари ҳамда раҳбарияти фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирумаслик;

- мижозлар ва ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, иғво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

- меҳнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

- ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

- жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

- меҳнат жамоасида ишчанлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга қўмаклашиши;

- меҳнат жамоасида ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши керак.

4.2. Раҳбарлар қўйидагиларга мажбур:

- бўйсунувидаги ходимларга професионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўrnak бўлиш;

- жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишchan кайфиятни шакллантириш;

- банк ходимларини қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундумаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

- ходимларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

- жамоада гурухбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-куватлаш) қўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

- ходимлар фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;

- банк ходимлари томонидан коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

- бўйсунувидаги ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ			
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ			
<i>Хужжат идентификация рақами:</i>	<i>Таҳрир №: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: ___. ___. 2022 йил</i>	<i>Варақ №: 9</i>

- ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалалариға холис, адолатли ва қонуний ёндашиш.

4.3. Раҳбарлар, бўйсунувидаги ходимларига қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбех берishi ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

5. Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари

5.1. Банк ходимлари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормалариға риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-автор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

5.2. Банк ходимлари ишдан ташқари вақтда қуйидагиларга мажбур:

- миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга хурмат билан муносабатда бўлиш;

- дабдабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, майшатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

- расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари банк фаолиятига оид масалаларни мухокама қилмаслик;

- жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидалариға риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

- жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти- ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

- хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган Банк раҳбарияти ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахслардан ҳамда мижозлардан совға олмаслик;

- хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеъини сиистеъмол қилмаслик;

- хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

- иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштироқида мухокама қилмаслик;

- ташқи қўринишини белгилангандан доирасида сақлаш, камтарона кийиниши, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиладиган тарзда кийинмаслик.

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ			
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ			
<i>Хужжат идентификация рақами:</i>	<i>Таҳрир №: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: ___. ___. 2022 йил</i>	<i>Варақ №: 10</i>

6. Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари

6.1. Банк фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар банк раҳбарияти ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

6.2. Қўйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:

- оммавий баёнот матни ва мазмuni банк сиёсати ёки фаолиятига алоқадор бўлмаса;
- оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар банк сирлари билан боғлиқ бўлса;
- оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса.

6.3. Банк фаолиятида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан Банк ва Банк фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда, Банк унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ ёхуд раддия бериши лозим.

6.4. Агар оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, Банк ходими ўз фикрларининг янгилишлиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, қадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига дахл қилинган фуқародан, агар қонун ҳужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.

7. Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниши услугига оид одоб-ахлоқ қоидалари

7.1. Банк ходимларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниши услуги мижозларнинг банк фаолиятига ҳурматини, шу жумладан банк нуфузини оширишга хизмат қилиши керак.

7.2. “Ипотека-банк” АТИБ тизимида ходимларнинг ташқи кўринишининг корпоратив стандартлари ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу стандартларга риоя этиш ҳар бир ходим учун шарт ҳисобланади. Ходимларнинг ташқи кўриниши банк имиджи ва брэндини ифодалайди.

7.3. “Ипотека-банк” АТИБ тизимида дресс-код 2 турга бўлинади: униформа ва ишбилармон услуг. Дресс-коднинг асосий тамойиллари:

- нафислик
- тозалик

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ			
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ			
<i>Хужжат идентификация рақами:</i>	<i>Таҳрир №: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: ___. ___. 2022 йил</i>	<i>Варақ №: 11</i>

- мұтадиллік

7.4. Банк тизимида кийиниш услуби қуидаги сифаттарни ўз ичига олади:

- ишончлилік;
- жиддийлік;
- обрұлилік;
- ишбілармөнлік.

7.5. Банк ходимларининг иш жойида ташқи күриниши ва кийиниш услуби “Ипотека-банк” АТИБ ходимларининг ташқи күриниш стандартларида белгиланған.

8. Манфаатлар тұқнашуви

8.1. Банк ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тұқнашуvigа олиб келадиган ёки олиб келиши мүмкін бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

8.2. Манфаатлар тұқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Манфаатлар тұқнашуви мавжудлиги тұғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тұқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар қўришга мажбур.

9. Банк ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш

9.1. Банк ходимларининг хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, тұхмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-харакатлардан ҳимоя қилиш Банк Бошқаруви Раиси томонидан амалга оширилади.

9.2. Зиммасига юклатилған вазифаларни бажаришга тұсқынлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳукуқбузарлық содир этишга оғдиришга қаратилған мурожаатлар, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилған ёки содир этишга тайёргарлик қўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мүмкін бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари қўрилади.

10. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш

10.1. Банк ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат Ходимларни бошқариш департаменти Ходимлар билан ишлаш бўлими ҳамда Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан амалга оширилади.

10.2. Банкда лавозимга тайинланған ходимлар Ходимлар билан ишлаш

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ			
“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ			
<i>Хужжат идентификация рақами:</i>	<i>Таҳрир №: 1.0</i>	<i>Кучга кириши санаси: ___. ___. 2022 йил</i>	<i>Варақ №: 12</i>

бўлинмалари томонидан мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.

10.3. Мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви банк раҳбариятининг кўрсатмасига мувофиқ Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан ўтказилади.

Хизмат текширувани ўтказиш тартиби Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан белгиланади.

11. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаслик учун жавобгарлик

11.1. Банк ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.

11.2. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан банк ходимларига қўйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:

- огоҳлантириш;
- узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;
- Банкнинг коллегиал йиғилишларида танбех бериш.

11.3. Одоб-ахлоқ комиссияси банк ходимига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун банк раҳбариятига тақдимнома киритиши мумкин.

11.4. Банк ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

12. Якуний қоида

12.1 Таркибий тузилма раҳбарлари Одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши ҳолатлари тўғрисида маълумотга эга бўлган тақдирда Ходимларни бошқариш департаменти Ходимлар билан ишлаш бўлимига ёки Одоб-ахлоқ комиссиясига маълум қилиши шарт.

12.2 Ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ўзгартериш ёки қўшимчалар Ходимларни бошқариш департаменти Ходимлар билан ишлаш бўлими томонидан киритилади ва Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади.